# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ



**Кириш**

**1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари**

**2. Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

**3.Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши**

**Хулоса**

# 1. Коррупцияни белгиловчи омиллар ва унинг келиб чиқиш сабаблари

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиши тушунилади**




**“Коррупция” атамаси “бузиш, тизимни издан чиқариш, пора эвазига оғдириш” деган маънони англатадиган лотинча “corruptio” сўзидан келиб чиққан**

**Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши тушунилади**

# Коррупцияга қарши кураш тарихи

“Ҳар қандай давлат тузумида энг муҳими – бу қонунлар
ва тартиб-қоидалар воситасида ишни шундай ташкил этишки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик орттира олмасин”

“Коррупция барқ ураётган жамиятда озодлик узоқ вақт ҳукм суриши мумкин эмас”




“Коррупция – бу шахсий наф кўриш йўлида давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш”

“У бой вилоятга камбағал бўлиб келиб, камбағал вилоятдан бой бўлиб кетди”

# Коррупцияга қарши кураш борасида халқаро ҳуқуқий асослари шаклланиши

**1**

АҚШда 1883 йилда Фуқаролик давлат хизмати Пендлтон Қонуни қабул қилинган.

**2**

Британия империясида 1889 йилда «Давлат идораларида порахўрликка қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган.



**3**

Сингапурда 1960 йилда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинади.

**4**

АҚШда 1970 йилда “Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида”ги (РИКО) Қонуни қабул қилинади.



# Гонгконг



**XX аср ўрталарида Гонгконг коррупция “ботқоғига ботиб қолган” (давлат ҳокимияти органлари 94% коррупциялашган) эди**

**“Мол-мулкингни пора эвазига орттирмаганингни исботла!” деган тамойил ўрнатилди**

**1974 йили М.Мюррей мустақил ҳеч қайси давлат органига бўйсунмайдиган Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссияни тузди**

**Коррупцияга қарши кураш бўйича Комиссия фаолияти устидан зиёлилар ва тадбиркорлардан иборат жамоатчилик назорати жорий этилди**

**Маҳаллий ОАВ томонидан эркин тарзда коррупция билан боғлиқ ҳар қандай янгиликларни эълон қилиш ва журналистик суриштирувлар олиб бориш фаолияти тўлиқ равишда таъминланди**


КОРРУПЦИЯНИНГ
3 сабаби
беш минг сўм
1. Иқтисодий — давлат хизматчиларининг паст ойлик маоши, уларнинг тадбиркор ва фуқаролар фаолиятига таъсир кўрсатишда юқори ваколати.
2. Институционал — давлат идоралари ишидаги ёпиқлик, ҳисоботлар тизимидаги қўшиб ёзишлар, қонунчилик тизимида шаффофликнинг йўқлиги, давлатнинг кучсиз кадрлар сиёсати.
3. Ижтимоий-маданий — жамиятнинг интизомсизлиги, фуқароларнинг тартибсизлиги ва ахборотга эга эмаслиги, жамоатчилик пассивлиги.

# Коррупциявий жиноятлар келиб чиқишининг бир неча омиллари мавжуд

| Антропологик омиллар | Иқтисодий омиллар | Ижтимоий омиллар |
| --- | --- | --- |
| Инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ш.к. | Тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари (“қонунга бўйсуниш бахоси”), бозор хўжалиги доирасидаги рақобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, ва бошқалар. | Жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, “хавф гурухлари”нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к. |
| 1 | 2 | 3 |

# Коррупциявий омиллар

| Ҳуқуқий омиллар | Ахлоқий омиллар | Сиёсий омиллар |
|---|---|---|
| тадбиркорликнинг ҳуқуқий асоси номукаммаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб борувчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ш.к. | қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар. | ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. |
| 4 | 5 | 6 |

# Коррупция бир нечта турлари мавжуд

| Маиший коррупция | Ишбилармонлик коррупцияси | Олий ҳокимият органлари коррупцияси |
|---|---|---|
| Асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида кенг тарқалган | Ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларида учрайди | Сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида учрайди |





**Коррупциявий жиноятларнинг содир этилишига шароит яратувчи омиллар бу иллат устидан ташкилий-бошқарув ва ижтимоий назорат етарли эмаслиги ҳисобланади. Уларга қуйидагилар киради**

Режалаштиришдаги камчиликлар, шартнома талабларини иштирокчилар томонидан бузилиши, хизмат фаолиятини ташкил этишдаги нуқсонлар (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатни белгилаш, иш хажмининг кўплиги ва ҳ.к.);

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (билимсиз ва тажрибаси йўқ ёки ишончсиз шахсларни қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ишга қабул қилиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар);

Ҳисоб-китоб ва назоратнинг сустлиги;

Хўжасизлик ва ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиб бериш (энергия манбаларидан, моддий ва одам ресурсларидан тежамкорликсиз фойдаланиш), тарбиявий ишлардаги нуқсонлар;

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятидаги мансабдор шахслар, хизматчиларнинг фойдаси ва сарф-ҳаражатлари ва улар томонидан хизмат вазифаларини бажариши устидан назоратни йўқлиги, шунингдек, коррупциявий ҳолатларга эътиборсизлик

# Коррупциявий ҳолатларнинг пайдо бўлиш сабаблари




01. Давлат секторида ойлик маошларнинг хусусий секторга қараганда анча пастлиги
02. Мамлакат иқтисодиёти асосан давлат томонидан бошқарилиши
03. Муайян хизмат турларида давлатда якка ҳукмронлик ўрнатилгани
04. Давлат бошқарув органларининг халқ билан алоқалари узилиб қолганлиги
05. Иқтисодий барқарорликнинг мавжуд эмаслиги
06. Халқнинг этник жиҳатдан бирдам эмаслиги
07. Иқтисодий ривожланиш (ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиши) суръатлари пастлиги

**Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти пастлиги**

**Мамлакатдаги сиёсий беқарорлик**

**Жамият ва давлат бошқарувида сиёсий ҳомийлик, маҳаллилийчилик, қариндош-уруғ ва “ошна-оғайнигарчилик” муносабатларининг юқорилиги**




**Жамиятда радикал-диний қарашларнинг мавжудлиги**

**Икки хил талқин этиладиган қонун нормаларининг мавжудлиги**

**Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати сустлиги**

## 2. Коррупцияга қарши кураш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари



**“Коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ечиш устувор вазифаларимиздан бири бўлиб қолади”**

***Ўзбекистон Республикаси Президенти***
***Шавкат Мирзиёев***

## Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик бир қатор халқаро ташкилотлар билан амалга оширилади

**Европа Иттифоқи,**
**UNODC** (БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси),
**UNDP** (БМТ тараққиёт дастури),
**OSCE** (Европада хавсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти),
**OECD** (Иқтисодий хамкорлик ва ривожланиш ва ташкилоти),
**FATF** (Ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши ташкилоти)
**EGMONT GROUP** (Молиявий разведкалар уюшмаси)

**2005 й. 23 мартда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенцияга (2000й. 15 ноябрь) қўшилди**

**2008 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Коррупцияга қарши конвенцияга (2003 й. 31 октябрь) қўшилди**

**2010 й. мартда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) доирасида қабул қилинган коррупцияга қарши курашнинг Истанбул режасига (2003 йил 10 сентябрь) қўшилди**

**2011 йил 13 декабрда Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евроосиё гуруҳи тўғрисидаги битимини (Москва, 2011 йил 16 июнь) ратификация қилган.**

# Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида коррупцияга қарши курашиш вазифаси белгиланиши

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони** қабул қилинди.




**Стратегиянинг 2.4.** бандида Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

**коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланган**

# Стратегияда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида белгиланган вазифалар

**Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш**



**Коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш**

**Диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шаклларига қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш**

**Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, бу борада давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро самарали ҳамкорлигини ташкил этиш**

## 3. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмуни ва моҳияти

**Қонун 6-та боб, 34-моддадан иборат**




**1-боб** — Умумий қоидалар

**2-боб** — Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотлар

**3-боб** — Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш

**4-боб** — Коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

**5-боб** — Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга чек қўйиш, жавобгарликнинг муқаррарлиги

**6-боб** — Якунловчи қоидалар

**Манфаатлар тўқнашуви – шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият**



**Коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш**

## Қонуннинг 18-моддаси Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини инобатга олган ҳолда таълим муассасаларида ҳуқуқий таълим ва тарбияга, мутахассисларни касбий тайёрлашнинг сифатини оширишга, таълим дастурларини доимий равишда такомиллаштириб боришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонининг 8-банди ижроси юзасидан Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш буйича тасдикданган “Йўл ҳаритаси” тасдиқланган.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Коррупцияга қарши курашиш
бўйича республика идоралараро
комиссиясининг раиси
Н.Т.Йўлдошев
2019 йил “30” август.

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА “КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА” ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

**I.** Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар
**II.** Олий таълим муассасаларига қабул жараёни
**III.** Таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш
**IV.** Талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш
**V.** Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш
**VI.** Профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш
**VII.** Таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш

| Т/р | Амалга ошириладиган чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Тақдим этиладиган ҳужжат | Ижро муддати | Молиялаштириш манбалари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар** | | | | | | |
| 1. | Олий таълим соҳасида коррупция хавф-хатарларини аниқлаш ва баҳолаш | Олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги экспертларни, шу билан бирга халқаро ва хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда илмий-амалий тадқиқот ўтказиш, шу жумладан:<br>тергов органлари томонидан 2017-2019 йиллар давомида олий таълим соҳасида содир этилган коррупцияга оид жиноятлар ва статистик | Илмий-амалий тадқиқот<br><br>Коррупция хавф-хатарлари | 2019 йил IV чорак | БМТ Тараққиёт дастурининг лойиҳаси, ЮНЕСКО, Жаҳон банки | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ФЖШМҚМИ, “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, |

“Йўл харитаси”да 7 йўналишда коррупциявий ҳолатларни бартараф этиш назарда тутилган:

**I. Олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича умумий ташкилий-амалий чора-тадбирлар**

**II. Олий таълим муассасаларига қабул жараёни**

**III. Таълим бериш ва талабалар билимини баҳолаш жараёнини такомиллаштириш**

**IV. Талабалар ўқишини кўчириш, ўқишга тиклаш, хорижий давлатларда берилган таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни нострификация қилиш ҳамда таълим ташкилотларини аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказиш**

**V. Олий таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш**

**VI. Профессор-ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда уларга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш**

**VII. Таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш**

# Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурлар

**Давлат дастурлари ва бошқа дастурлар Қонуннинг қоидалари самарали ижро этилишини таъминлаш, коррупциянинг ҳолати ҳамда тенденцияларидан келиб чиққан ҳолда коррупцияга қарши курашиш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирлар кўриш мақсадида ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади**

**2017 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2752-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган**

**27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони қабул қилинди**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**2019-2020 ЙИЛЛАРДА** КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ **ДАВЛАТ ДАСТУРИ** ТАСДИҚЛАНДИ

- Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда **самарадорлик индикаторлари** ишлаб чиқилади
- Ҳудудлардаги халқ депутатлари Кенгашлари таркибида **коррупцияга қарши курашиш комиссиялари** ташкил этилади
- Давлат хизматчиларини танлаб олиш, тайинлаш ва **юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тизими** шакллантирилади
- Давлат хизматчилари учун **чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантиришларнинг аниқ рўйхати** белгиланади

**2019 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН**

- Давлат органларида юзага келадиган **коррупция хавф-хатарлари** мажбурий баҳолаб борилади
- **Коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган** давлат хизматчиларининг рўйхати шакллантирилади
- Давлат хизматчиларининг **мулки ва даромадларини декларация** қилиш тизими босқичма-босқич жорий этилади

**2019 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРДАН**

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида **ҳуқуқий таълим** берилади

**2019 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН**

эксперимент тариқасида капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида **"Коррупциясиз соҳа"** лойиҳаси амалга оширилади

**2020 ЙИЛ 1 АПРЕЛДАН**

**"Коррупциясиз соҳа"** лойиҳаси бошқа соҳаларга босқичма-босқич жорий этилади

advice.uz
Huquqiy axborot portali
@huquqiyaxborot

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019й. 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармони билан тасдиқланган 2019-2020 йилларда Коррупцияга қарши курашиш давлат дастури талаблари

**Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик**




**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш**

**Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш**

# Ўзбекистон етакчисининг 10 та асосий ислоҳоти

## 1. Валюта бозорини эркинлаштириш
- Эркин валюта конвертациясига ўтиш
- Миллий валюта алмашув курсини бозор курсига ўтказиш ва босқичма босқич насайтириш
- Иқтисодиёт тармоқларини мажбурий валюта сотишдан озод этиш

## 2. Иқтисодий ислоҳотлар
- Давлат компанияларининг ислоҳ этилиши, уларни қўллаб-қувватланиши ва қайта ихтисослаштирилиши
- Бизнес юритиш шартларининг енгиллаштирилиши, корхоналарининг экспорт салоҳиятини ҳар томонлама рағбатлантириш
- Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт монополиясига барҳам берилиши
- Автомобиль комплексининг либераллаштиришлиши

## 3. Солиқ ислоҳотлари
- Солиқ ислоҳотлари концепциясининг қабул қилиниши
- Солиқ қонунчилигининг такомиллаштирилиши
- Бир-бирини такрорловчи солиқларнинг бекор қилиниши ёки бирхиллаштирилиши
- Корхона, ташкилот ва тадбиркорлар учун солиқ таътилларининг жорий этилиши



## 4. Қуролли кучлар ислоҳоти
- Ҳарбий таълим тизимининг такомиллаштирилиши
- Ҳарбий хизматчилар ижтимоий ҳимоясининг оширилиши
- Бошқа мамлакатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорликнинг ривожлантирилиши
- Қуролли кучларининг модернизация қилиниши ва қайта қуроллантирилиши
- Ҳарбий саноат комплексининг тузилиши

## 5. ИИВ ислоҳоти
- Ички ишлар органлари фаолиятининг такомиллаштирилиши
- ИИВ раҳбарларининг амалга оширилган ишлари бўйича депутатлар ва аҳоли олдида мажбурий ҳисобот бериш механизмларининг жорий этилиши
- 2023 йилгача мўлжалланган "Хавфсиз шаҳар" лойиҳасининг ишлаб чиқилиши
- "Хавфсиз пойтахт" концепциясининг ишлаб чиқилиши

## 6. Маъмурий ислоҳотлар
- Маъмурий ислоҳотлар концепциясининг қабул қилиниши
- "Давлат хизматлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилиши
- Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсирларининг қисқартирилиши
- Давлат бошқарувига стратегик режалаштиришнинг янги шаклларининг татбиқ этилиши

## 7. МХХ ислоҳотлари
- Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат хавфсизлик хизматига ўзгартирилиши
- Хизмат фаолиятининг ваколат ҳамда йўналишларининг аниқ чегараланиши
- "Давлат хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши

## 8. Таълим ислоҳотлари
- 11 йиллик мактаб таълими тизимининг жорий этилиши
- Олий таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари ходимлари ойлик маошларининг оширилиши
- Олий таълим муассасаларининг "ақлли университет" ягона ахборот тизимига уланиши
- Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши

## 9. Инсон ҳуқуқлари
- БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган Чора-тадбирлар Дастурининг қабул қилиниши
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакили – Бизнес омбудсман институтининг ташкил этилиши
- Шахс эркинлиги ва дахлсизлигини таъминлаш бўйича Чора-тадбирларининг қабул қилиниши
- Биринчи марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг авф этиш бўйича Фармонининг қабул қилиниши

## 10. Коррупцияга қарши кураш
- 2017–2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича Давлат дастурининг қабул қилиниши
- Коррупцияга қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг ташкил этилиши
- "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши

# Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари




01 — Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш

02 — Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш

03 — Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш

04 — Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини такомиллаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш

05 — Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини такомиллаштириш

06 — Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа тизимини йўлга қўйиш

07 — Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори аҳлоқий меъёрларни шакллантириш

## I.Давлат хизмати тизими, унинг мақсадлари ва вазифаларини тубдан такомиллаштириш

**Ҳукумат комплекслари таркибига 160 дан ортиқ идора ва ташкилотлар киради.**

**2019 й. 3 октябрда Президент томонидан “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5843-сон Фармони қабул қилинди.**




## II. Тадбиркорликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий чекловларни ва ташкилий тўсиқларни олиб ташлаш

**Бугунги кунда мамлакатимизда 603 та акциядорлик жамияти фаолият юритаётган бўлса, уларнинг 486 тасида давлат улуши 52 триллион сўмни ташкил этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4848-сон Фармони муҳим ўрин эгаллайди.**

## III. Давлат хизматларини тақдим этиш ва маъмурий тартиб-таомилларни тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра, Давлат хизматлари марказлари орқали аҳолига юқори сифатда, тезкор, қулай имкониятда хизмат кўрсатилиши белгиланди



## IV. Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органларининг вазифаларини оптималлаштириш, давлатга тегишли бўлмаган функцияларни хусусий секторга ўтказиш

Давлат дастури доирасида маъмурий ислоҳотларнинг концепцияси ва уларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун, Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги (ПФ-5185), “Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПФ-5278) Фармонлари ва бир қатор бошқа норматив актлар қабул қилинди.

## V. Коррупцияга қарши кураш соҳасида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мақсадлари, вазифалари ва функцияларини такомиллаштириш

**Коррупциявий жиноат ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш мақсадида “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”, “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш”, “Коррупцияга қарши курашиш”, “Судьялар олий кенгаши”, “Давлат харидлари”, “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва бир қатор бошқа конунлар қабул қилинди**



# VI. Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида алоқа тизимини йўлга қўйиш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти ташкил этилди.

Давлат органлари, жамоат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида мақсадида Парламент назорати, Жамоатчилик назорати, Савдо саноат палатаси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинган.

Давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг мустаҳкам механизмларини ривожлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминлаш мақсадида

Президентнинг 2018 йил 4 июлда “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3837-сон қарори,

2019 йил 9 январда Республикаси Президентининг «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида» ПФ-5618-сон Фармони қабул қилинди



# VII. Кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, юқори аҳлоқий меъёрларни шакллантириш

**2**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги “Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3216-сон қарори),

**1**

Президентнинг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5139-сон Фармони,

**3**

Президентнинг 2018 йил 23 августаги “Ички ишлар органлари бошқарув, назорат ва шахсий таркиб билан ишлашнинг самарали тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3919-сон қарори)

www.presentationgo.com

**Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида 2019 й. 3 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ 5843-сон Фармони қабул қилинди**. Унда белгиланидек:

**давлат хизматчиси ўз фаолиятини давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларда амалга оширадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир;**

давлат хизматчилари лавозимлари реестрига киритилган лавозимларни эгаллаб турган давлат хизматчиларининг фаолияти давлат хизматига оид қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизмат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилиш давлат махсус хизмати бўлиб, алоҳида қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

**04**

**Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги «Давлат солиқ хизмати органлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 704-сон Қарори**

**05**

**Президентнинг 02.11.2018 йил ПҚ–3995-сон "Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори**

**06**

**Президентининг 2018 йил 8 майдаги «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5438-сон Фармони**

**07**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3931-сон Қарори ва бир қатор бошқаларни келтириш мумкин.**

# Коррупцияга қарши курашиш давлат хокимияти органларининг қуйидаги фаолиятини ўз ичига олади

Коррупциянинг олдини олиш, жумладан коррупциянинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш

01

Коррупция жиноятларини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш, очиш ва тергов қилиш

02

Коррупция жиноятларининг оқибатларини камайтириш ва (ёки) бартараф этиш

03

# 3. Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши:

**Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;**

**Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;**

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш.**

# Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими



Прокуратура органлари

Ички ишлар органлари

Давлат хавфсизлик хизмати органлари

Давлат божхона хизмати органлари

Адлия органлари

# Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими

Давлат солиқ хизмати органлари

Меҳнат органлари



Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари

# Коррупцион фаолиятдан келадиган фойдани камайтиришга қаратилган чораларга қуйидагиларни киритиш мумкин

01 Давлат хизматчилари учун меҳнатга адолатли ҳақ тўлаш ва бошқа ижтимоий манфаатдорлик тизимини жорий этиш

02 Ҳалолликни рағбатлантириш

03 Коррупцияга қарши коидаларни бузганлик учун мансабдан бўшатишнинг мажбурийлигини йўлга қўйиш

04 Мансаб бўйича иммунитетни бекор қилиш

05 Мансаб ва лавозим бўйича ўсишга адолатли ва барча учун бир хил шарт шароит ҳамда имкон бериш

06 Нафақага чиқиш учун муносиб шароит яратиш ва ҳ. к

# МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

**Лоббизм**
**(инглиз. lobby – кулуар, коридор)**

норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб, расмий қарорлар устунлик қабул қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос тури

**Раҳнамолик, фаворитизм**
**(фр. favorit)**
химоя остидаги айрим ходимларни яқин олиш ва қуллаб-қувватлаш

**Клиентелизм (ингл. clientelism, лот. clientēla - мижоз)**
лавозимдаги мансабдор шахс ва унга хайрихох бўлган шахслар (мансабдор шахслар, тадбиркорлар, сиёсий гуруҳлар)



**Протекционизм (лот. кўмаклашиш)**
маълум бир шахсларни лавозимга тайинлашга кўмаклашиш

**Непотизм (лот. nepos жиян)**

этник принциплар асосида давлат тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш кўриш

**Кронизм (инглиз. хамфикр, таниш биличилик, гуруҳбозлик)**
лавозимларни таниш-билишчилик асосида дўстларга бериш

**Пантуфляж (фран. шиппакни алмаштириш)**

секторга ишга жойлашиши